

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг
7 - сонли қарори

2025 йил “ 30 ” декабрь

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) барча 15 077 622 574 дона акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, Жамият Устави ҳамда Кузатув кенгашининг 2025 йил 7 ноябрдаги 21-сон ва 14 ноябрдаги 23-сон мажлис баённомаларига мувофиқ, қуйидаги масалалар кўриб чиқилди:

КУН ТАРТИБИ:

- 1. Жамият устав капиталини (фондини) камайтириш тўғрисида.**
- 2. Жамият Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш.**
- 3. Жамиятнинг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларнинг матнини тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 мартдаги “2025-2026-йилларда саноат учун муҳим минераллар хомашёси базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-128-сонли Қарори (кейинги ўринларда – Қарор)нинг 9-банди ҳамда 4-иловасига мувофиқ, Жамият балансидаги Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси ҳамда Шимолий кон бошқармаси марказий физик-кимёвий лабораторияси бино ва иншоотлар мулкӣ мажмуасини баланс (қолдиқ) қийматда Жамият устав капиталини камайтириш ҳисобига кейинчалик “Навоийуран” ДҚга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш шарти билан Ўзбекистон

Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)га ўтказиш белгиланган.

Шунингдек, Қарор иловасида, зарур ҳолларда, рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан “Навоийуран” ДКга ўтказилаётган лабораториялар фаолият юритиши учун махсус асбоб-ускуналар, кимёвий реагентлар, компьютер техникаси ва бошқа моддий бойликларга муҳтожлигини инобатга олиб, лабораторияларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ва уларнинг иш жараёнида ўзлаштиришларга йўл қўймаслик мақсадида, **2025 йил 25 июлдаги 42-2290-сонли** хат билан бинолар билан биргаликда “Навоийуран” ДКга ўтказиладиган асбоб-ускуналар ва моддий бойликлар рўйхати тақдим этилган.

Қарор ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг юқорида қайд этилган хатига мувофиқ, Жамият Кузатув кенгаши томонидан 2025 йил 19 августдаги 11-сон йиғилиш баённомаси билан Жамиятнинг Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси ҳамда Шимолий кон бошқармаси марказий физик-кимёвий лабораторияси бино ва иншоотлар мулкӣ мажмуасини баланс (қолдиқ) қийматида Агентликка ўтказиш масаласи келишилган.

Жамият Уставининг 13.6-банди 7-кичик бандига мувофиқ Жамият устав фонди (капитали)ни камайтириш Жамият Акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

1.1. Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил 7 ноябрдаги 21-сон мажлис баённомаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Жамият устав капитали (фонди)нинг камайиши муносабати билан Жамият Уставига тегишли ўзгартириш киритиш лозим бўлади.

Шунингдек, Кузатув кенгашининг 2025 йил 14 ноябрдаги 23-сонли мажлис баёни билан маъқулланган Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасига мувофиқ, 2 нафар Бошқарув аъзоси қисқараётганлиги ва Бошқарув таркибига 1 та янги аъзо қўшилаётганлиги муносабати билан Жамият Уставининг 15.2 ва 15.13-бандларига ўзгартириш киритиш зарур.

Жамият Уставининг 13.6-банди, 1-кичик бандига мувофиқ, Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

2.1. Жамият Уставининг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.2. Жамият Корпоратив маслаҳатчиси С.Н. Муртазаев Жамият Уставининг янги таҳририни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

Жамият устав капитали (фонди)нинг камайиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 6 августда P0968-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларнинг матни” тасдиқланиши лозим.

Жамият Уставининг 13.6-банди 7-кичик бандига мувофиқ Жамият устав фонди (капитали)ни камайитириш Жамият Акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади**:

3.1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 6 августда P0968-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларнинг матни” лойиҳаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.2. Жамият Корпоратив маслаҳатчиси С.Н. Муртазаев Жамият Уставининг янги таҳрири ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин “Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисида”ги қарорига ўзгартиришлар матнини ваколатли давлат органи томонидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

3.3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Жамият Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санақулов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазири
Ўринбосари

 **Х. Мустафоев**